O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doveric.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 18-fevral № 22 (3059) shanba

16-17.02.2012, TOSHKENT

Баркамол авлод — мамлакатимизни ривожлантиришда ҳал қилувчи куч

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли конференция қатнашчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, муҳтарам конференция иштирокчиларини, биринчи навбатда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки намояндалари бўлган азиз меҳмонларимизни, дунёнинг турли қитъаларидаги 40 дан зиёд мамлакатдан ташриф буюрган вакилларни қутлаш ва барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни ва ушбу анжуманда қатнашаётганингиз учун самимий миннатдорлигимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бизнинг минтақамизда иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлашга улкан ҳисса қўшиб келаётгани учун мазкур конференцияни ўтказиш ташаббускорларидан бири бўлган Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода жаноблларига алоҳида ташаккур изҳор этмоқчиман.

Ўйлайманки, конференция иштирокчилари ушбу форумнинг бош мавзуси, яъни таълим тизимини ислоҳ этиш масалалари — замонавий давлатнинг изчил ва барқарор тараққиёти, авваламбор, унинг иқтисодий ривожланиши йўлидаги муаммоларни ечиш билан бевосита боғлиқ ҳолда кўрилаётганига эътибор қаратган бўлсалар керак.

Сир эмаски, бу мавзу биз бошимиздан кечираётган ҳозирги кунларда, дунёдаги деярли мутлақ кўпчилик давлатлар 2008 йилда бошланган, глобал миқёсдаги янги рецессия тўлқинларини келтириб чиқариш хавфини туғдираётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири остида қолиб келаётган бир пайтда алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда, умумий эътирофга кўра, XXI аср глобаллашув ва чегараларнинг барҳам топиш даври, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет асри, жаҳон майдонида ва дунё бозорида тобора кучайиб бораётган рақобат асрига айланиб бораётганини исботлаб беришга ҳожат йўқ, албатта.

Бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Бутун дунёда кўзга кўринган олим ва мутахассислар, жаҳондаги машҳур ўқув юртлари, нуфузли халқаро тузилмаларнинг раҳбарлари ва вакиллари иштирокида Ўзбекистонда шаклланган таълим тизимини ислоҳ этиш модели ва уни амалга ошириш бўйича тўпланган тажрибанинг муҳокама қилиниши биз учун юксак шарафдир.

Аввало шуни таъкидлаш зарурки, бундан 15 йил олдин қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатимизда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг биз танлаган «ўзбек модели» — ўз тараққиёт йўлимизнинг ажралмас таркибий қисмидир.

Ушбу дастур жиддий изланиш ва тадқиқотларнинг, жаҳондаги тараққий топган илғор мамлакатлар тажрибасини умумлаштиришнинг натижаси сифатида ўтмишда мажбуран сингдирилган коммунистик мафкуранинг қолип ва андозаларидан бутунлай воз кечиш, **одамларнинг, биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, қисқача айтганда, бу дастур ҳаётда ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий гражданлик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўяди.**

Узоқ йиллар давомида вужудга келган эски таълим тизимини тубдан қайта қурмасдан ва ислоҳ этмасдан туриб бу мақсадга эришиш асло мумкин эмас эди.

Агарки Ўзбекистонда аҳолининг қарийб 35 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар, 62 фоиздан зиёдини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ислоҳотларнинг роли ва аҳамияти ўз-ўзидан тушунарли ва равшан бўлади.

Қабул қилинган дастурга мувофиқ, мамлакатимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Юртимизда амалга оширилаётган моделнинг принципиал хусусияти шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни ҳам эгаллайди.

Ўзбекистонда 12 йиллик таълим барча учун мажбурий экани қонунларимизда белгилаб қўйилган. Яна бир бор таъкидлайман — бу биз учун принципиал масала ҳисобланади. Айниқса, олис қишлоқ жойларда, тўғрисини айтганда, ҳамма ҳам 12 йил ўқишни хоҳламайди. Бугунги кунда ўсиб келаётган янги авлодимиз 12 йиллик мажбурий таълим олиш билан бирга аниқ мутахассислик ва касб-ҳунарга эга бўлиши керак. Бу, айниқса, қизларимиз учун муҳимдир. Чунки ёш оиланинг мустаҳкамлиги аввало қизларнинг бирор-бир мутахассисликни эгаллаб, ҳаётда ўзининг мустақил фикри ва ўрнига эга бўлиши билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам барча зарур фанлар бўйича умумий билим берадиган умумтаълим мактабларида 9 йил таълим олганидан кейин ёшларимиз мажбурий тарзда 2-3 та замонавий мутахассислик бўйича касб-ҳунарларга эга бўлишига биз алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Ўн икки йиллик мажбурий таълимдан сўнг уларнинг ҳар бири, ўз хоҳишига кўра, бакалавр ва магистр даражасини олиш учун олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши мумкин.

Ўтган йиллар мобайнида таълим тизимини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш бўйича миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Қарийб 9,5 минг ёки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мактабларнинг деярли барчаси янгитдан қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланди. Ўқув жараёнини сифат ва методик жиҳатдан бутунлай янгилаш бўйича улкан чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мактаб таълими 7 та тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда 1500 дан ортиқ янги касб-ҳунар коллежи ва академик лицей барпо этилди. Сиз, конференция қатнашчиларининг кўпчилиги ушбу билим масканлари билан танишар экансиз, улар ўз меъморий қиёфаси ва техник таъминотига кўра энг яхши олий ўқув юртларидан асло қолишмаслигига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Касб-ҳунар коллежларидаги замонавий ўқув-лаборатория, компьютер ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ўқувчилар учун умумий фанлар бўйича нафақат тўлиқ билимлар ҳажмини эгаллаш, айни вақтда ушбу ўқув юртларидаги замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини ҳам беради.

Биз таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, айни пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шарти ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият бермоқдамиз.

Ҳозирги кунда юртимиздаги барча таълим, фан, маданият ва маърифат муассасалари Таълим портали ва интернетга уланган. Бу эса таълим жараёнига масофадан туриб ўқитиш усулларини, ўқувчи ёшлар учун ахборот-коммуникация хизматларининг кенг мажмуини жорий этиш имконини бермоқда.

Таълим жараёнини ислоҳ этиш ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртлари муҳим ўрин эгалламоқда. Ўтган давр мобайнида уларнинг сони икки баробар ортди ва бугунги кунда мамлакатимиздаги 59 та университет ва олий ўқув юртида 230 мингдан зиёд талаба таълим олмоқда.

Ўзбекистонда Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефт ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети каби юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефт-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи каби меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда ва уларнинг битирувчилари бутун дунёда тан олинадиган дипломларга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Миллий университети ва Фанлар академияси томонидан Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрти — Кембриж университети билан ҳамкорликда 2012 йилда Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази ташкил этилмоқда. Марказнинг асосий вазифаси — иқтидорли талабалар, аспирант ва ёш олимларни кимё, физика, биология, биокимё, биофизика, геология ва геодезия соҳаларида амалий инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда илмий ишланмаларни амалга оширишнинг замонавий методларига ўргатишдан иборат. Марказни энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш кўзда тутилмоқда, у ерда Кембриж университетининг олим ва мутахассислари конкрет йўналишдаги тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида ёш олимларни тайёрлаб боради.

Шуни қайд этиш жоизки, айнан шу йўналиш, яъни қатор академик илмий муассасаларни университетлар ихтиёрига бериш ва ҳамкорликда фойдаланиладиган олий ўқув юртлариаро замонавий илмий лаборатория мажмуаларини тузиш ҳисобидан олий ўқув юртларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятга асосланган ўқув жараёнини интеграциялаштириш ҳозирги босқичда долзарб аҳамият касб этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ёшларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш муҳим ўрин эгаллайди. Бюджет, ҳомийлик ва хайрия маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилгани айнан шундан далолат беради. Ўтган давр мобайнида ушбу фонд маблағлари ҳисобидан қарийб 1500 та энг замонавий, барча ёшлар фойдаланиши мумкин бўлган болалар спорти объекти барпо этилди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги деярли ҳар бир мактаб, колледж ва лицей очиқ спорт майдончалари қаторида замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган ёпиқ спорт заллари ва сузиш ҳавзаларига эгадир.

Юртимизда уч босқичдан иборат, ҳар йили ўтказиладиган, мактаб ўқувчилари учун алоҳида, касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари учун алоҳида беллашувларни, олий ўқув юртлари талабалари учун Универсиадани ўз ичига олган яхлит спорт мусобақалари тизими шаклланган. Бундай тизим юз минглаб фарзандларимизни, йигит ва қизларни оммавий равишда жисмоний соғломлаштириш ва спорт ҳаракатига жалб этиш имконини бермоқда.

Мутахассисларни тайёрлаш сифати ва уларнинг реал иқтисодиётда талаб этилиши масалалари бизнинг доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Дастур доирасида коллежлар, лицейва олий ўқув юртлари учун ўқитувчилар ва домлалар таркибини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини қайта ташкил этиш, аввало, ўқув-услубий базани бутунлай қайта кўриб чиқиш ва замонавий талабларга жавоб берадиган янги стандартлар, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларни тасдиқлаш бўйича кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. **Таълим соҳаси ходимлари фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш мезонлари тубдан ўзгартирилди.**

Масалан, кейинги ўн йилда касб-ҳунар коллежлари, лицей ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари иш ҳақининг ўсиш суръатлари иқтисодиётнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан тахминан 1,5 баробар кўп ўсди.

Умуман, Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу тизимнинг Давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этиши ўз-ўзидан мазкур соҳага қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғи ҳисобланади.

Мамлакатимизда 1996 йилда қабул қилинган қонунга кўра, ҳар йили 1 октябр санаси Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келаётгани ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашда педагоглар меҳнатининг роли ва аҳамияти жамоатчилигимиз томонидан юксак эътироф этилаётганининг ёрқин ифодаси бўлди.

Шу ўринда таълимни ривожлантиришга йўналтирилган хорижий техник ёрдам ҳажмининг тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўтган даврда бу борадаги ёрдам 500 миллион доллардан ошиб кетди. Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, Осиё тараққиёт банкининг салкам 290 миллион доллар маблағи, Жанубий Корея ҳукуматининг 110 миллиондан ортиқ, Жаҳон банкининг 33 миллион, ОПЕК фонди, Саудия фонди, Ислом тараққиёт банкининг 42 миллион, Германия ҳукуматининг «КфВ» банки орқали йўналтирилган қарийб 20 миллион ва бошқа донорларнинг 100 миллион доллардан ортиқ ёрдамини қайд этиш лозим.

(Давоми 2-бетда).

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИ ХАРУХИКО КУРОДАНИНГ «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийлари!

Ҳурматли вазирлар,

Конференция иштирокчилари,

Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистонда яна меҳмон бўлиш менга катта мамнуният бағишлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Ўзбекистон халқининг 2010 йилда Тошкентда муваффақият билан ўтказилган Осиё тараққиёт банкининг (ОТБ) йиллик мажлиси чоғида кўрсатган самимий эҳтиромини миннатдорлик билан эслайман. Ушбу ажойиб мамлакатда яна бир бор бўлиш, таълим масалаларига бағишланган ва юксак савияда ташкил қилинган мазкур халқаро конференцияда иштирок этиш имконияти учун миннатдорлик изҳор этаман. Шу муносабат билан баъзи фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Бевосита таълим масалалари хусусида сўз юритишдан аввал мамлакатингиз иқтисодиёти муваффақиятли ривожланиб бораётгани билан Ўзбекистон халқини табриклашга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон 2011 йилда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини яна бир бор намоён этди. Бу муваффақият, Европада ҳамон давом этаётган глобал муаммолар оқибатида жаҳон иқтисодиётида юзага келган мавҳум бир шароитни ҳисобга олганда, айниқса, ғоят катта аҳамият касб этади. Жадал иқтисодий ривожланишнинг муҳим асосларидан бири — бу Ўзбекистоннинг ташқи савдо позицияларининг мустаҳкамланиши ва ҳукуматнинг инвестиция ҳамда ислоҳотларга босқичма-босқич ёндашиши, аниқ стратегияга асосланган макроиқтисодий бошқарувидир. Ўзининг кенг қамрови билан ажралиб турадиган бундай ёндашув мамлакатни ташқи бўҳронлардан ҳимоя қилиш билан бирга, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ва шаҳарларда ҳам, қишлоқ жойларда ҳам янги иш ўринлари ташкил этиш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлади.

Ўзбекистон, шунингдек, иқтисодиётни диверсификация қилиш, айниқса, саноатлаштириш соҳасида улкан муваффақиятларга эришди. Бу жараён, биринчи навбатда, саноатни ривожлантириш, жумладан, табиий газни қайта ишлаб, кимёвий маҳсулотга айлантириш, газ-кимё тармоғини, агробизнес, логистика ва тўқимачилик соҳаларини ривожлантиришга асосланган. Бу ўзгаришлар жараёни нафақат халқ фаровонлигини, балки иқтисодий барқарорликни таъминлашда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Инвестицияларнинг ўз вақтида ва пухта ўйланган ҳолда таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлар, энергетика ва транспорт соҳаларига киритилиши маҳсулотлар ва хизматлар рақобатдошлигини, ишлаб чиқариш ва савдонинг самарадорлигини ошириш, амалга оширилаётган ўзгаришларни чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Буларнинг барчаси иқтисодиёт ривожи ва жамият фаровонлигига хизмат қилишга қаратилган.

ОТБ Ўзбекистоннинг инвестициялар ва изчил ислоҳотлар йўлидан кучайиб боришида асосий ҳамкорлардан бири бўлиб келди ва истиқболда ҳам шундай бўлиб қолади. Биз бугунги кунга қадар ва сўнгги йилларда давлат ва хусусий сектордаги лойиҳалар учун қарийб 3,8 миллиард доллар ажратдик. Бизнинг ҳамкорлик алоқаларимиз мустаҳкам рағбатлантирувчи аҳамиятга эга. Бу, айниқса, хусусий секторга инвестиция киритиш, нефт, газ ва нефт-кимё саноатини молиялаштиришда яққол намоён бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Тошкентдаги Симпозиумлар саройида 17 феврал куни Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди

Форумда кўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этди.

Конференция узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бағишланди. Зеро, мамлакатимизда фаол, ўз мақсади сари интилувчан, серқирра истеъдод ва юксак маънавий фазилатларга эга, замонавий билим ҳамда касбларни эгаллаган — бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни тарбиялаш учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Халқаро форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олди. Бу — демократик ҳуқуқий давлат, иҳтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар йўлидир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барчабарчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Узоқни кўзлаб айтилган бу сўзлар истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган давлат сиёсатининг мазмунмоҳиятини ёрқин ифодалайди. Жисмонан соғлом, маънавий етук, юксак интеллектуал салоҳият, замонавий билимларга эга, мустақил фикрлайдиган, келажакка ишонч билан қарайдиган баркамол авлодни тарбиялаш ҳақида ғамхўрлик қилиш ушбу сиёсатнинг устувор йўналишидир.

Мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ва бозор ислоҳотлари талабларига жавоб берадиган ушбу вазифаларга мувофиқ кадрларни тарбиялаш, уларга таълим бериш ва тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Бу борада шакллантирилган қонунчилик базаси мазкур жараёнларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир фуқаро таълим олиш ҳуқуқига эга экани, бунда давлат бепул умумий таълим олишни кафолатлаши мустаҳкамлаб қўйилган. Бу борада давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 1997 йил 29 августда «Таълим тўғрисида»ги қонун, кўлами, миқёси, қамрови ва мақсадлари бўйича ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ушбу муҳим соҳада чуқур ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Мамлакатимизда таълим тараққиётнинг шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ҳамда маданий эҳтиёжларини таъминлайдиган устувор соҳаси сифатида қонунан белгилаб қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

Ishonch
2012-yil 18-fevral № 22 (3059)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мана шу юксак минбардан туриб, биз учун ўта муҳим бўлган ушбу вазифани ҳал этишда бизни қўллаб-қувватлаб, беқиёс ёрдам кўрсатиб келаётганликлари учун халқаро молия ташкилотлари ва банкларига, барча чет эллик шерикларимиз, хорижий мамлакатлар ҳукуматларига самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният етказади.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Ўзбекистонда қабул қилинган Таълим соҳасини ислоҳ этиш ва малакали кадрлар тайёрлаш дастурини амалга ошириш бўйича ўтган даврда бажарилган ишларни бугун қандайдир ўлчов ва рақамлар билан баҳолаш жуда қийин, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Шу билан бирга, бу ҳақда сўз юритар эканмиз, яна бир жиҳатни назарда тутишимиз лозим. Яъни, бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган Дастур — бу бошқа моделларни қандайдир такрорлаш ёки улардан нусха кўчириш эмас, аксинча, биринчи навбатда, ривожланган демократик давлатларда тўпланган тажрибани ўзида мужассам этган ва айни пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган дастурдир.

Бу борада яна шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, қадимий Ўзбекистон замини кўп асрлар давомида фан ва маърифат ўчоғи, жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлиб келган, илму маърифатга интилиб яшаш эса халқимиз менталитетининг ажралмас қисмига айланиб кетган. Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ғарбда Авиценна номи билан машҳур бўлган Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа буюк аждодларимиз бутун дунёда ўзларининг математика, астрономия, геодезия, минералогия, фармакология ва тиббиёт соҳаларидаги тенгсиз кашфиётлари билан шуҳрат қозонганлар.

Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, **фақат миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиши мумкин** эканини ҳамиша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш одамларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг сиёсий ва гражданлик фаоллигини, ўз келажагига бўлган ишончини оширишнинг энг муҳим омили ва мустаҳкам асосига айланди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Бизнинг янги авлодимиз, билимли, ўтмишнинг ҳар қандай иллатларидан озод бўлган ёшларимиз бугунги кунда мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва ишончли тарзда равнақ топтиришнинг ҳал қилувчи ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда.

Шу борада ўтган давр мобайнида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни 2 миллион 300 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз битириб чиққани, жорий йилда эса 500 мингдан ортиқ ўқувчи ўрта тоифадаги мутахассис дипломини олиб, ўқишни тамомлашини айтиб ўтиш кифоя, деб ўйлайман. Бу ёшлар нафақат иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишнинг, айни вақтда мамлакатимиз кадрлар таркибини сифат жиҳатидан янгилашнинг қудратли омили ҳисобланади.

Нуфузли халқаро молиявий ташкилотларнинг баҳоларига кўра, Ўзбекистон ҳали-бери давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан, ўтган беш йил давомида 8,5 фоиздан кам бўлмаган барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда. 2000 йил билан солиштирганда, ялпи ички маҳсулотнинг кўпайиши 2,1 баробарни ташкил этди. Жорий ҳисоб-китобларнинг профицити, ташқи қарзнинг пастлиги ва валюта захираларининг етарли даражада бўлиши таъминланмоқда, ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсиши башорат қилинмоқда.

Шуни қайд этиш лозимки, бундай суръатлар, биринчи навбатда, таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юксак технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантириш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳисобидан таъминланмоқда.

Агар ўтган ўн йил давомида Ўзбекистон иқтисодиётига 80 миллиард доллар ҳажмидаги капитал қўйилмалар йўналтирилган бўлса, уларнинг 23 миллиард доллардан зиёди ёки 30 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этди. Чет эл инвестицияларининг 2012 йилдаги ўсиши 16 фоизни ташкил этиши, уларнинг 70 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан иборат бўлиши кутилмоқда. Бу эса, ўз-ўзидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга хорижий капиталнинг қизиқиши ва энг муҳими, Ўзбекистоннинг тараққиёт истиқболларига бўлган ишончнинг тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Юқорида баён қилинган фикрларни якунлаган ҳолда, Ўзбекистон тарихий мезонларга кўра қисқа муддат бўлган 15-20 йил давомида бизнинг бош мақсадимиз — **дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш ва мамлакатимиз аҳолиси учун муносиб ҳаёт шароити ва сифатини яратиш** йўлида ғоят улкан қадам қўйди, деб айтишга барча асосларимиз бор. **Ва бу билан биз ҳақли равишда фахрланамиз.**

Қадрли дўстлар!

Мазкур анжуманда муҳокама қилиш учун таклиф этилган, иқтисодиётни изчил ва барқарор тараққий эттиришнинг энг муҳим шарти бўлган таълим тизимини ислоҳ этиш масалалари инсониятнинг буюк мутафаккирларини доимо ўйлантириб келган вазифа — ҳар томонлама уйғун ривожланган баркамол шахсни шакллантиришнинг кўп қиррали ва кенг қамровли муаммоларининг барча жиҳатларини ҳеч бир даражада тўлиқ қамраб олиши мумкин эмаслигини биз албатта яхши тушунамиз.

Иккинчидан, муайян бир мамлакат доирасидаги таълим жараёнини ислоҳ этишнинг ҳар қайси модели универсал даражага кўтарилишга даъво қилиши мумкин эмас. Ўзбекистонда Таълим тизимини ислоҳ этиш дастурини жорий этиш бўйича амалга оширилган ва амалга оширилаётган барча ишлар биринчи навбатда мамлакатимизнинг узоқ муддатли манфаатларига, унинг ҳозирги анча мураккаб ривожланиш босқичининг мавжуд ҳолати ва хусусиятларига жавоб беради.

Шунинг учун ҳам конференция қатнашчилари томонидан ялпи йиғилиш ва секция мажлисларида, бошқа мамлакатларда тўпланган қимматли тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, билдириладиган фикр-мулоҳаза ва таклифлар биз учун ғоят муҳимдир.

Ўзбекистон мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг тегишли олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидламоқчиман. Биз мазкур форумнинг асосий мақсадларидан бирини ҳам айнан шунда кўрамиз.

Сўзимнинг ниҳоясида бир таклифни билдирмоқчиман. **Қани энди, бундай учрашув ва анжуманлар тез-тез ўтказилиб турса.** Биз сизларнинг барчангизни Тошкентда, нафақат Тошкеётнда, балки қадимий тарих ва цивилизация бешиклари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива сингари шаҳарларимизда кўришдан хурсандмиз.

Шу имкониятдан фойдаланиб, сиз муҳтарам меҳмонларимизга, барча конференция қатнашчиларига яна бир бор ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва самимий миннатдорлигимни билдиришга рухсат этгайсиз.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар, конференция ишига муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИ ХАРУХИКО КУРОДАНИНГ «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон томонидан минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Катта қисми Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлиги лойиҳаси доирасида амалга оширилган минтақавий аҳамиятга молик инвестицион лойиҳалар мамлакатдаги, шунингдек, Ўзбекистон билан унинг қўшнилари ўртасидаги транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш имконини берди.

Ўзбекистон киритаётган қатор инвестициялар Афғонистонда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва умид уйғотишга хизмат қилаётганидан ғоят мамнунман. Ўзбекистон Кобул шаҳрига электр энергияси етказиб бераётган биринчи ва ҳозирча ягона мамлакатдир. Афғонистон пойтахти бугунги кунда кечаю кундуз узлуксиз Ўзбекистон томонидан электр энергияси билан таъминланмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Афғонистон тарихида биринчи марта темир йўл тармоғини мисли кўрилмаган қисқа муддатларда, бюджет маблағлари доирасида юқори сифат стандартлари асосида барпо этди. Бу ва бошқа минтақавий лойиҳалар янги савдо йўналишларини шакллантирмоқда.

Минтақавий ҳамкорлик Марказий Осиё учун Буюк Осиё асри сари йўл очмоқда. ОТБнинг яқинда эълон қилинган ҳисоботида XXI аср Осиё асри бўлиши мумкинлиги қайд этилган. Бундай истиқбол ҳали ўзининг аниқ ифодасини топмаган бўлса-да, лекин, аминманки, ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар ва инвестициялар унга эришишга хизмат қилади. Ўзбекистон бундай эзгу орзунинг реал ҳаётда амалга ошишига ҳисса қўшиш учун барча имкониятларга эга.

Энди, ижозатингиз билан, бугунги конференция мавзуси бўлган таълим масаласига тўхталиб ўтсам.

Ўзбекистоннинг ижтимоий ва гуманитар ривожланиш борасидаги ютуқлари таҳсинга сазовордир. Президент Ислом Каримовнинг шахсан кўрсатаётган доимий эътибори ва ташаббуси бу муваффақиятларнинг ҳал қилувчи омили бўлмоқда. Ўзбекистон бошланғич, ўрта ва олий таълим соҳаларида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида изчиллик билан олға бормоқда. Таълим соҳасига ажратилаётган инвестициялар ушбу ва бошқа йўналишларда гендер тенглигини таъминлаш чора-тадбирлари билан мустаҳкамланмоқда.

Ишончим комилки, таълим соҳасига йўналтирилаётган катта ҳажмдаги инвестициялар Ўзбекистоннинг энг илғор мамлакатлар қаторидан жой олишига замин яратади. Ўзбекистоннинг таълим модели энг замонавий талабларга жавоб берадиган таълим муассасалари барпо этиш билангина чекланмайди. Ушбу модел, авваламбор, сифатга, яъни ўқитувчилар, ўқувчилар, талабалар, ўқув дастурлари ва пировард натижада билимлар сифатини оширишга асосланган. Бундан ташқари, глобаллашув билан боғлиқ эҳтиёжлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур таълим модели Ўзбекистоннинг Осиёда, умуман, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Таълим ва тарбия мамлакат самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини оширишнинг муҳим омилларидандир. Шу муносабат билан Ўзбекистон бюджетидан таълим соҳасига ажратилаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётганига эътиборингизни қаратмоқчиман. Мамлакат умумий йиллик бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда ва бунинг ярми таълим соҳасига тўғри келади.

Таълим соҳасини тараққий эттириш дастури ва бу соҳага киритилаётган инвестициялар касб-ҳунар таълимини ривожлантиришни ҳам ўз ичига олади. 12 йиллик универсал ва мажбурий бепул таълим дастури 9 йиллик умумий ўрта таълимни ҳам ўзига қамраб олади. Бу дастур ўқувчиларга иқтисодиёт миқёсида энг истиқболли ва жадал ривожланиб бораётган соҳалар билан боғлиқ йўналишлар бўйича касб-ҳунар кўникмаларини эгаллаш имконини бермоқда. Таълим тизими, шунингдек, тобора кўпроқ технологиялар ва замонавий оммавий ахборот воситалари ҳамда телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш негизига қурилмоқда.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда замонавий воситалар билан жиҳозланган 1500 дан ортиқ касб-ҳунар коллежлари ва лицейлар фаолият юритмоқда. Шунингдек, 59 олий ўқув юрти, Европа ва Осиёнинг нуфузли олий ўқув юртларининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Тошкентда Қуёш энергияси бўйича халқаро илмий-тадқиқот институтининг таъсис этилиши таълим соҳасида қўлга киритилаётган ютуқларга яна бир ёрқин мисолдир. Кеча ОТБ ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида мазкур институтни ҳамкорликда ташкил этиш тўғрисида ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистондаги катта қизиқиш уйғотаётган дастурлардан бири — бу Болалар спортини ривожлантириш жамғармасидир. Бу инновациялар ва диверсификацияга ёрқин мисол бўлиб, интеллектуал ва жисмоний ривожланишни соғлом турмуш тарзи билан уйғунлаштириш нечоғлик улкан самаралар бераётганини яққол кўрсатмоқда.

Таълим соҳаси бизнинг «Стратегия-2020» деб номланган, узоқ муддатга мўлжалланган стратегиямизнинг бешта асосий йўналишларидан биридир. ОТБ таълим соҳасини ривожлантиришда Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бугунги кунда мамлакат бўйича мактаблар, ўқитувчиларни тайёрлаш, дарсликлар ва таълим дастурларини молиялаштиришга оид саккизта лойиҳа маъқулланган.

Ижтимоий ва инсон салоҳияти барқарор иқтисодий юксалишнинг муҳим омилидир. Ўзбекистон бугунги ва эртанги кунга доир вазифаларни изчиллик билан ҳал этиш учун муҳим қадамлар қўймоқда. Бу иқтисодий ўсиш натижаларининг барча ва ҳар бир киши ўртасида тенг тақсимланишини таъминлайди. Таълим — имкониятлар тенглигини таъминлайдиган буюк мезон. У жамият ақл-заковатининг юксалиши, рақобатдошликнинг кучайиши ва ютуқлар кўпайишининг муҳим омили вазифасини ўтайди.

Пировардида ОТБнинг «Осиё-2050» тадқиқотига эътиборингизни қаратмоқчиман. Мазкур тадқиқотда келажак иқтисодиёти чуқур билим, илм-фан ва технологик инновацияларга асосланиши қайд этилган. Бундай иқтисодиётлар рақобатдош ва самарали бўлади. Улар мамлакатни даромади ўртача бўлган босқичдан даромади юқори давлатлар даражасига етказишда, тинч ва барқарор жамиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бундай иқтисодиётлар юксак билимга, таълим соҳасидаги ютуқларга, энг илғор технологиялар устуворлиги ва тадбиркорлик ғайрат-шижоатига таянади.

Ушбу анжуман таълим ва билим эгаллаш нақадар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини яна бир бор таъкидлайди. Ўзбекистон таълим соҳасида энг юксак стандартларга амал қилмоқда. Ўзбекистон ҳукумати бу борада ғоят самарали ишларни амалга ошираётганини таъкидламоқчиман. Келажакка мўлжалланган саъй-ҳаракатлар юксак ва узоқ муддатли натижалар беришига ишончим комил.

Ўзбекистон кенг миқёсдаги ўз ривожланиш стратегиясига эга бўлиб, ислоҳотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган ижтимоий инвестицияларни кўпайтириш йўлидан дадил ва қатъият билан бораверади, деб ишонаман.

Баркамол авлод – мамлакатимизни ривожлантиришда ҳал қилувчи куч

(Давоми. Боши 1-бетда).

Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода ўз чиқишида Ўзбекистоннинг ижтимоий ва гуманитар ривожланиш борасидаги ютуқлари таҳсинга сазовор эканлигини таъкидлади. Таълим соҳасига ўз вақтида ва асосли инвестициялар киритиш иқтисодий ўсишга хизмат қилмоқда ва жамиятга фойда келтирмоқда. ОТБ раҳбари, шунингдек, глобаллашув жараёни билан боғлиқ эҳтиёжлар ҳам ҳисобга олинган Ўзбекистон таълим модели мамлакатимизнинг Осиёдан ва, умуман, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга хизмат қилишини қайд этди.

Ўзбекистоннинг кадрлар тайёрлаш бўйича ноёб миллий модели жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган. Халқаро тажриба таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ривожланган давлатларда бу соҳадаги ислоҳотлар, одатда, фақат таълим соҳасида амалга оширилган. Улар, Ўзбекистондагидан фарқли равишда, қамровининг кенглиги ва чуқурлиги, илмий асосланганлиги, ислоҳотларда бутун жамиятнинг иштирок этиши каби хусусиятларга эга эмасди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, у яхлит ва тизимли бўлиб, шахс, давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилади. Узлуксиз таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш бу яхлит жараённинг узвий таркибий қисмларидир. Мазкур дастур мамлакатимиз иқтисодиёти ва ҳаётининг барча жабҳалари учун юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш борасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган яхлит ўқув-илмий-ишлаб чиқариш комплекси сифатида таълим тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш вазифасини муваффақиятли ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Шубҳасиз, бундай кенг кўламли вазифаларни иқтисодиёт жадал ривожланаётган, инсон, унинг манфаатлари сўзда эмас, балки амалда олий қадрият ҳисобланган мамлакатдагина амалга ошириш мумкин. Сўнгги 5 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 8,5 фоизни ташкил қилди. Ўзбекистон бу кўрсаткич бўйича дунёдаги энг жадал ривожланаётган давлатлар қаторидан жой олган. Буларнинг барчаси ижтимоий, жумладан, таълим соҳаси учун ажратилаётган маблағларни мунтазам кўпайтириш имконини бераётир. Бугун Давлат бюджети жами сарф-харажатларининг қарийб 60 фоизи шу мақсадларга йўналтирилмоқда.

Конференциянинг ялпи мажлисида Ўзбекистонда ёш авлодни баркамол ривожлантириш бўйича яратилган таълим ва тарбиянинг миллий модели хусусида батафсил ахборот берилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш давомида узлуксиз хусусият касб этган таълим тизимининг нафақат шакли, балки моҳияти ҳам тубдан ўзгартирилди. Ушбу тизим бугун мактабгача, 9 йиллик умумий ўрта, 3 йиллик ўрта махсус ва касб-ҳунар, олий, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълимни ўз ичига олган. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими эса мазкур узлуксиз таълим тизимининг мутлақо муҳим ва янги бўғинидир. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини 9-синфдан кейин қабул қиладиган мутлақо янги турдаги ўқув юртлари — касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар барпо этилди.

Ҳозир мамлакатимизда 9779 умумтаълим мактаби фаолият кўрсатмоқда. 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш доирасида 8,5 мингдан зиёд мактаб қурилди ва капитал таъмирланди. Уларнинг аксарияти қишлоқларда жойлашган. Бу мақсадлар учун 1,4 триллион сўм сарфланди. Мактаб таълими моддий-техника базасини мустаҳкамлашга доир ишлар давом этмоқда. Бунинг натижасида болалар учун шаҳар ва қишлоқ мактабларида бир хил шароитлар яратилмоқда. Юртимиздаги мактабларнинг барчаси замонавий ўқув ускуналари билан жиҳозланган, уларда компьютер синфлари ташкил қилинган. Мамлакатимиздаги мактабларнинг 96 фоизи «ZiyoNet» электрон-ахборот тармоғига уланган.

Ўзбекистон биринчилардан бўлиб 12 йиллик мажбурий таълимга ўтди. Мамлакатимизнинг рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган корхоналарига ўрта махсус таълим олган ёшлар муайян касб-ҳунарни пухта эгаллаб, ишлаб чиқариш жараёни асосларини яхши билган ҳолда тайёр мутахассис сифатида келмоқда. Йигит-қизларимиз касб-ҳунар коллежларида умумтаълим фанлари билан бир қаторда меҳнат бозорида талаб катта бўлган бир неча касб-ҳунарни эгаллаш имкониятига эга бўлмоқда. Бу борада лицейлар ҳам муҳим вазифани бажармоқда. Лицейларда ўқувчилар академик йўналишлар бўйича умумий таълимни чуқур ўрганишдан ташқари, муайян ихтисосликлар бўйича фанларни ҳам ўзлаштирмоқда. Йигит-қизлар лицей ва коллежларни тамомлагач, олий ўқув юртларига кириш ва танлаган мутахассислиги бўйича таълимни давом эттириш учун етарлича билимга эга бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 1396 касб-ҳунар коллежи ва 141 академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бундай ўқув юртлари бугун мамлакатимизнинг энг чекка туманларида ҳам бор. Улар учун гўзал ва замонавий бинолар барпо этилган. Ўқув-ишлаб чиқариш хоналари ва лабораториялар энг сўнгги техник ускуналар, замонавий аппаратуралар билан жиҳозланган. Бугун мазкур ўқув юртларида қарийб 1,7 миллион нафардан ортиқ ўғил-қиз билим олмоқда. Уларга тажрибали педагоглар, жумладан, фан номзодлари ва докторлари сабоқ бермоқда. Иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларида талаб катта бўлган 86 таълим йўналиши, 225 касб ва 578 мутахассисликни ўз ичига олган умумдавлат таснифи ишлаб чиқилди. Касб-ҳунар коллежлари ўз ишлаб чиқариши учун ёш кадрлар тайёрлашда иштирок этаётган йирик саноат корхоналари томонидан оталиққа олинган.

Яна шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистонда таълимнинг барча босқичлари учун давр талабларига мос давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, шу жумладан, мультимедиа дастурлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, кўп миллион нусхада дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилмоқда. Ўқитишнинг илғор педагогик технологиялари ва интерфаол усуллари кенг қўлланилаётир. Ўқув юртларида турли ўқув адабиётлари фондига, жумладан, электрон шаклдаги қўлланмаларга эга ахборот-ресурс марказлари фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси ёшларга сифатли, чуқур ва ҳар томонлама билим олиш учун шароит яратмоқда.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди. Бугунги кунда у бакалавриат ва магистратурадан иборат икки босқичли тизимни ўз ичига олади. Ҳозир Ўзбекистонда 59 олий таълим муассасаси, пойтахтимиздаги олий ўқув юртларининг 11 ҳудудий филиали ва хорижий етакчи олий ўқув юртларининг 6 филиали фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир вилоятда ҳудудий ривожланиш вазифаларини ҳал этиш учун мутахассислар тайёрланаётган университет ва қатор ихтисослашган институтлар ҳам мавжуд.

Ушбу соҳада самарали халқаро ҳамкорлик кенг йўлга қўйилгани миллий таълим моделимизнинг юқори малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилганининг яна бир тасдиғидир. Пойтахтимизда ташкил этилган Халқаро Вестминстер университети, Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россиянинг Г.Плеханов номидаги давлат иқтисодиёт университети ва И.Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университети филиалларида бугун ана шундай мутахассислар тайёрланмоқда. Хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда турли йўналишлар, жумладан, чет тилларни чуқур ўрганиш бўйича факультет ва кафедралар ташкил этиш амалиёти тобора кенгаймоқда.

Мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашув жараёни ривожланмоқда. Талабалар илмий тадқиқотларда фаол қатнашмоқда, корхоналар буюртмалари асосида инновацион фаолият билан шуғулланмоқда. Талабалар ўз ишланмалари билан ҳар йили мамлакатимизнинг янги технологиялари ва илмталаб маҳсулотлари намойиш этилаётган ярмаркаларда мунтазам иштирок этаётгани бунинг яққол далилидир. Масалан, 2011 йилда ўтган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида олий ўқув юртларида яратилган технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш бўйича қиймати 3 миллиард 579,4 миллион сўм бўлган шартномалар тузилди.

Илмий-тадқиқот муассасалари билан йўлга қўйилган ўзаро манфаатли яқин алоқалар натижасида талабалар фундаментал тадқиқотларга тобора кенг жалб этилаётир. Бу ёш илмий кадрларни тайёрлашга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳозирги кунда юртимиздаги етакчи олий ўқув юртлари ҳузурида Ўзбекистон Фанлар академияси иштирокида илм-фан, техника ва технологияларнинг энг истиқболли йўналишлари бўйича илмий-ўқув лаборатория комплекслари ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, олий ўқув юртидан кейинги таълим тузилмаси ҳам фаол ривожланмоқда. Олий ўқув юртларида 70 йўналишда номзодлик, 37 йўналишда докторлик илмий ишларини ҳимоя қилиш бўйича қарийб 30 ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Олий ўқув юртларини яқинда тамомлаган ва илмий даражага эга битирувчилар — истеъдодли ёш олимлар сафи йил сайин кенгайиб бораётир.

Мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бундан корхоналар ҳам манфаатдор. Негаки, улар ишлаб чиқараётган маҳсулот сифатига, ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини оширишга, шу билан бирга, таннархини пасайтиришга нисбатан талабларнинг кучайиб бораётгани технологияларни мунтазам янгилаш, ишлаб чиқаришнинг янада такомиллаштирилган услубларини жорий этишни тақозо қилмоқда. Ушбу жараён самарадорлиги эса, биринчи навбатда, кадрлар, уларнинг билим ва малакасига боғлиқдир.

Ўзбекистон мутахассисларининг малакаси юқори экани бутун дунёга маълум. Шу сабабли етакчи хорижий компания ва фирмалар мамлакатимизда қўшма корхоналар ташкил этишга катта қизиқиш билдирмоқда. Иқтисодиётимиз реал секторида бундай корхоналар сони ҳам, хорижий инвестициялар миқдори ҳам мунтазам ортиб бораётир. Ўтган йили бу кўрсаткич қарийб 2,9 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

Президентимиз Ислом Каримов қарори билан тасдиқланган 2011-2016 йилларга мўлжалланган олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастури мамлакатимиз таълим тизимини янада ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Унда олий ўқув юртлари биноларини қуриш ва реконструкция қилиш, жиҳозлаш, замонавий лабораториялар ташкил этиш, ўқитиш йўналишларини мақбуллаштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштиришни ўз ичига олган аниқ мақсадли тадбирлар белгилаб берилган.

Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш баркамол авлодни вояга етказишда муҳим ўрин тутади. Бу йўналишдаги ишлар ўғил-қизларда замонавий дунёқараш, уларнинг онгига ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, ўз Ватанига хизмат қилиш каби юксак туйғуларни камол топтиришга қаратилган.

Болалар ва ёшларни спорт билан фаол ва мунтазам шуғулланишга оммавий жалб қилиш тарбия жараёнининг яна бир узвий қисмидир. Негаки, спорт саломатликни мустаҳкамлаш билан бирга, инсонда феълатвор, ирода, қийинчиликларни енгиш қобилиятини шакллантиради. Мамлакатимизда мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», коллеж ва лицей ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ҳамда талабаларнинг Универсиада беллашувларини ўз ичига олган ноёб уч босқичли спорт мусобақалари тизими ташкил қилинди. Барча ўқув юртлари, шу жумладан қишлоқларда бугун халқаро стандартларга мос жиҳозланган спорт заллари, комплекслари фаолият юритмоқда.

Бугун Ўзбекистонда ёш авлод ҳар томонлама ва сифатли билим олаётганини қуйидаги далил ва рақамлар ҳам тасдиқлайди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилаётганидан буён мамлакатимиз мактаб ўқувчилари халқаро фанлар олимпиадаларида 157, жумладан, 29 олтин медални қўлга киритди. Ўзбекистон олий ўқув юртларининг кўплаб талабалари турли фанлар бўйича халқаро олимпиадалар ғолиби ҳисобланади. Ёш мусиқачи ва рассомлар орасида турли нуфузли халқаро танловлар совриндорлари кўпаймоқда. Ўзбекистонлик спортчилар ҳам Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари ҳамда бошқа мусобақаларда Ватанимиз довруғини бутун дунёга ёймоқда.

Ўзбекистонда янгича фикрлайдиган кадрларни тайёрлаш тизимини ривожлантиришда кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари ҳам ёрдам бермоқда, таълимнинг барча йўналишлари бўйича кўплаб йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Осиё тараққиёт банки, Германиянинг «КфВ» банкининг инвестиция лойиҳалари, Ўзбекистон ва Швейцариянинг «Касб-ҳунар кўникмаларини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида мактаблар, коллеж ва лицейлар учун қарийб 90 номдаги ўқув адабиётлари кўп нусхада чоп этилди.

Форумда сўзга чиққан БМТ Бош котибининг ўринбосари Нойлин Хейзер, Халқаро Вестминстер университети ректори Жеффри Петтс (Буюк Британия), М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори Виктор Садовничий, Ислом тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али, Вебстерск университети проректори Нанси Хеллеруд (АҚШ), Сингапур менежментни ривожлантириш институти президенти Эрик Куан, Хосей университети ректори Тошио Масуда (Япония), Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик бўйича директори Теодор Алерс ва бошқалар бугунги кунда таълим соҳаси тараққиётнинг бош омили сифатида эътироф этилаётганини таъкидладилар, Ўзбекистонда бу соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларга юқори баҳо бердилар. Тарихан қисқа вақт ичида мамлакатимизда бу борада улкан ютуқларга эришилгани таъкидланди. Ўзбекистон таълим тизимида изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг қатор олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва умумтаълим мактабларига ташриф буюриб, уларнинг фаолияти билан танишган конференциянинг хорижий иштирокчилари Ўзбекистонда ушбу соҳада ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Конференцияда мамлакатимизда яратилган ва муваффақиятли амалга оширилаётган, бутун дунёда «ўзбек модели» деб тан олинган кадрлар тайёрлаш модели ўз самарадорлиги ҳамда қўйилган мақсадларга эришиш бўйича кўплаб давлатлар, жумладан, ривожланган мамлакатлар учун ҳам намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги қайд этилди.

Анжуман иштирокчилари секция мажлисларида мамлакатимизда ва бутун дунёда узлуксиз таълим ва тарбия тизимини янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда истиқлол йилларида ҳар томонлама иқтидорли, юқори билимли ва юксак интеллектуал салоҳиятга эга ёш авлод ўсиб-улғайди. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда келажагимиз эгалари бўлган ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган ишлар нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Чунки, иқтидорли, билимли, юксак интеллектуал салоҳиятга эга, элим-юртим деб ёниб яшайдиган авлодгина янги жамият, янги ҳаёт барпо этишга қодирдир.

Анжуманда якуний ҳужжат — халқаро конференция тавсиялари қабул қилинди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

Футбол



Куала-Лумпур шаҳри (Малайзия)да жойлашган Осиё футбол конфедерацияси (AFC) штаб-квартирасида 22 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида 2013 йилнинг июн ойида ўтказиладиган Осиё чемпионатининг саралаш босқичига қуръа ташланди.

Осон гуруҳми?

Қуръа натижаларига кўра, Алексей Евстафеев мураббийлик қилаётган терма жамоамиз Иордания, Яман, Бангладеш ва Непал давлатлари вакиллари билан «D» гуруҳини ҳосил қилишди.

Осиёнинг қирқ бир терма жамоаси иштирок этаётган саралаш босқичида дастлабки ўн тўрт йўлланма ўз гуруҳида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган жамоаларга тақдим этилади. Бундан ташқари, энг яхши натижа билан 3-ўринни банд этган жамоага ҳамда чемпионат ўтадиган мамлакат вакилларига, яъни мезбонларга биттадан йўлланма берилади. AFC ҳозирча мезбон юртни танламади.

Мураббий Алексей Евстафеев илк йиғинга таклиф этилган таркибни эълон қилди. Жамоа 24-27 феврал кунлари Тошкентда ўзининг илк машғулотларини ўтказади.

Мураббий қуръага нисбатан ўз муносабатини билдираркан, жумладан шундай деди:

— Мен энг осон гуруҳга тушдик, деган фикрга қўшилмаган бўлардим. Бугунги кунда футбол барча давлатларда бирдек шиддат билан ривожланмоқда. Рақибнинг кучига тўғри баҳо бермаслик кутилмаган натижаларни келтириб чиқариши мумкин. Шундай экан, биз барчага бирдек ҳурмат билан қараймиз ва ҳар бир учрашувда ғалаба учун майдонга тушамиз.

Бокс



Қуруқ қўл билан қайтиш йўқ

Венгриянинг Дебрецен шаҳрида бокс бўйича эллик олтинчи марта ташкил этилган халқаро турнирда иштирок этган спортчиларимиз тўрт медални ўзлариники қилишди.

Мусобақада 22 давлатдан ташриф буюрган 120 нафардан ортиқ «чарм қўлқоп» усталари ўн вазн тоифасида ғолиблик учун рингга кўтарилишди.

Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA) қоидалари асосида ўтказилган беллашувларнинг 60 кг. вазн тоифасида иштирок этган XXX Лондон Олимпиадаси йўлланмаси соҳиби Фазлиддин Ғойибназаров кумуш медални қўлга киритди.

91 кг.гача бўлган вазнда рақиблари билан муносиб жанг олиб борган яна бир истеъдодли спортчимиз Рустам Тўлаганов ҳамда +91 кг.да рингга кўтарилган Сардор Абдуллаев ҳам шоҳсупанинг иккинчи ўрнини банд этишди.

Сингапурда ўтказилган ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Олимпиаданинг кумуш медали соҳиби Аҳмад Мажонов бу сафар жамоамиз ғазнасига бронза медалини қўшиб қўйди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «AGROBANK» ОАТБ Бошқарувининг 06.06.2011 йилдаги 41/3-сонли қарорига асосан, «AGROBANK» ОАТБга тегишли, Тошкент шаҳар, Муқумий кўчаси, 43-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «OPEL VECTRA» русумли, д/р 01/728 JAA бўлган, 2004 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 28 138 050 сўм.
2. «ГАЗ-3307» русумли, д/р 01/684 JAA бўлган, 1993 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 15 529 900 сўм.
3. «РАФ-22038» русумли, д/р 01/694 JAA бўлган, 1996 йил и/ч микроавтобус. Бошланғич баҳоси — 7 830 500 сўм.
4. «ПАЗ-3205» русумли, д/р 01/693 JAA бўлган, 1999 йил и/ч автобус. Бошланғич баҳоси — 15 997 500 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 5 март куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.

Такрорий аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 2 март куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 5 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 12 ва 19 март кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 12 мартдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 9 март куни соат 18:00; 19 мартдаги савдолар учун 16 март куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уй.

«Respublika mulk markazi» YoAJ Сизларга кўчмас мулк ҳисобланмайдиган барча турдаги мулкларни, хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги улушлар, автомототранспорт ва бошқа техник воситаларни оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкиллаштиришда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «Respublika mulk markazi» YoAJнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«FARGONA MULK MARKAZI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси МХХ Фарғона вилоят бошқармасининг 2012 йил 7 февралдаги 11/136-сонли хатига асосан, Фарғона вилояти МХХ бошқармасида сақланаётган «Нексия» русумли, д/р 15 АН 117 бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 8 112 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 20 март куни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 16 март куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт 2012 йил 20 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 27 март куни соат 15:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 23 март куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситасининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Савдо ташкилотчиси» «FMM» МЧЖ нинг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО: 00497, ИНН: 302134194, х/р: 2020 8000 7049 4306 3001.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, Б.Марғилоний кўчаси, 35-уй. Тел: 8-373-224-68-69. www.rmm.uz.

«Respublika Mulk Markazi» YoAJ «Poytaxt filiali»да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида такрорий ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Такрорий аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 сентябрдаги 272-20-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 9 октябрдаги 639-25-сонли қарорларига асосан, «TOSHSHAHARYUKTRANS» UYUSHMASI, AVTOJAMLANMA 2515 корхонасига тегишли бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Наманган кўчаси, 32-уй манзилида сақланаётган қуйидаги жадвалда кўрсатилган юк ташиш автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

№	Автотранспорт воситасини русуми	и/ч йил	Давлат рақами	Бошланғич баҳоси	№	Автотранспорт воситасини русуми	и/ч йили	Давлат рақами	Бошланғич баҳоси
1	ЗИЛ-138а	1985	10 BE 470	7 186 000	29	ЗИЛ-431610	1989	10 AX 847	7 209 000
2	ЗИЛ-138а	1984	10AX321	7 181 000	30	ЗИЛ-431610	1984	10 BA 946	7 181 000
3	ЗИЛ-431610	1986	10 AX 848	7 192 000	31	ЗИЛ-431610	1989	10 AX 656	7 209 000
4	ЗИЛ-431610	1986	10 AX 546	7 192 000	32	ЗИЛ-431610	1989	10 AX 493	7 209 000
5	ЗИЛ-431610	1986	10 AX 763	7 192 000	33	ЗИЛ-431610	1989	10 AX 616	7 209 000
6	ЗИЛ-138а	1984	10 AX 703	7 181 000	34	ЗИЛ-431610	1990	10 AC 808	7 215 000
7	ЗИЛ-431610	1986	10 AX684	7 192 000	35	ЗИЛ-431610	1990	10 AX 320	7 215 000
8	ЗИЛ-138а	1984	10 AQ 872	7 181 000	36	ЗИЛ-138а	1985	10 AX 495	7 186 000
9	ЗИЛ-138а	1984	10 AX 702	7 181 000	37	ЗИЛ-ММЗ-4502 АСГ	1987	10 AX 470	6 665 000
10	ЗИЛ-138а	1986	10 AX 459	7 192 000	38	ЗИЛ-ММЗ-4522 АСГ	1984	10 AX 882	6 365 000
11	ЗИЛ-138а	1984	10 AX 849	7 181 000	39	ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ	1985	10 AX 883	6 457 000
12	ЗИЛ-431610	1986	10 AX 586	7 192 000	40	ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ	1989	10 AX 991	6 262 000
13	ЗИЛ-431610	1987	10 AQ 788	7 197 000	41	ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ	1986	10 AX 992	6 557 000
14	ЗИЛ-431610	1987	01 012TBA	7 197 000	42	ЗИЛ-ММЗ-45021 АСГ	1978	10 AQ 660	5 927 000
15	ЗИЛ-433360	1993	10 AX 657	8 041 000	43	ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ	1982	10 AC 809	6 199 000
16	ЗИЛ-138а	1993	10 AX 762	7 236 000	44	ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ	1982	10 AX 734	6 199 000
17	ЗИЛ-431610	1989	10 AC 814	7 209 000	45	ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ	1980	10 AQ 432	6 054 000
18	ЗИЛ-431610	1986	10 AX 733	7 192 000	46	ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ	1980	10 AQ 594	6 054 000
19	ЗИЛ-431610	1988	10 AX 973	7 203 000	47	ПАЗ-672М	1985	10 AC 818	4 340 000
20	ЗИЛ-138а	1985	10 AX 494	7 186 000	48	УАЗ-469 Б	1981	57-52 THA	5 912 000
21	ЗИЛ-138а	1985	10 AC 811	7 186 000	49	ГАЗ 2401	1980	10 AK 710	1 213 000
22	ЗИЛ-431610	1988	10 AX 327	7 203 000	50	ГАЗ 2411	1989	10 AR 300	1 381 000
23	ЗИЛ-431610	1988	10 AX 698	7 203 000	51	ЗИЛ-433102	1990	10 BA 737	8 633 000
24	ЗИЛ-431610	1988	10 BA 070	7 203 000	52	ЗИЛ-431610	1989	10 AN 527	7 209 000
25	ЗИЛ-431610	1988	01 504 CAA	7 203 000	53	ЗИЛ-431610	1989	10 AX 682	7 209 000
26	ЗИЛ-431610	1988	10 AX 615	7 203 000	54	УАЗ-31512-01	1986	78-22 THA	6 233 000
27	ЗИЛ-431610	1989	10 BA 895	7 209 000	55	Газ-3307 ГЗСА-891	1991	10 AX 496	6 488 000
28	ЗИЛ-431610	1989	10 AX 701	7 209 000	56	Полуприцеп Н-13-130	1991	10 B 205	6 062 000

Аукцион савдоси 2012 йил 14 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризалар мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 12 март куни соат 18:00.

Юқоридаги мулклар 2012 йил 14 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 4, 11, 27 апрел кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 4 апрелдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 2 апрел куни соат 18:00; 11 апрелдаги савдолар учун 9 апрел куни соат 18:00, 27 апрелдаги савдолар учун 25 апрел куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закалат келишуви, закалат пули тўланганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилади. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва муддатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «RMM» **YoAJ «Poytaxt filiali»**нинг «Ипотека банк» Шайхонтоҳур ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000900571452140, МФО: 00425, Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«а»уй. Телефон: 233-20-96. www.rmm.uz

---

«Respublika mulk markazi» YoAJ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлиги Ўрта махсус касб-ҳунар таълими Маркази «Қибрай тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи»нинг 2011 йил 29 ноябрдаги 06-6/1-86-сонли хатига асосан, коллеж балансидаги, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Май КФЙ манзилда сақланаётган «Иж-2715» русумли, д/р 11 AQ 489 бўлган, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 460 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2012 йил 22 март куни соат 10:30 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 20 март куни соат 18:00.

Юқоридаги мулк 2012 йил 22 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 9 ва 25 апрел кунлари соат 10:30 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 9 апрелдаги савдолар учун 6 апрел куни соат 18:00, 25 апрелдаги савдолар учун 23 апрел куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika mulk markazi» YoAJ «Poytaht filiali»нинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000500571452141, МФО: 01036, ИНН 200933850 ОКОНХ 83300 Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«а»уй. Телефон: 233-20-96. www.rmm.uz.

«Respublika mulk markazi» YoAJ Сизларга кўчмас мулк ҳисобланмайдиган барча турдаги мулкларни, хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги улушлар, автомототранспорт ва бошқа техник воситаларни оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкиллаштиришда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «Respublika mulk markazi» YoAJнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«Respublika Mulk Markazi» YoAJ «Poytaxt filiali»да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида такрорий ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Такрорий аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 сентябрдаги 272-20-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 9 октябрдаги 639-25-сонли қарорларига асосан, «TOSHSHAHARYUKTRANS» UYUSHMASI, AVTOJAMLANMA 2505 корхонасига тегишли бўлган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Агород кўчаси, 42-уй манзилида сақланаётган қуйидаги жадвалда кўрсатилган юк ташиш автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

№	автотранспорт воситаси	и/ч йил	Давлат рақами	Бошланғич баҳоси	№	автотранспорт воситаси	и/ч йил	Давлат рақами	Бошланғич баҳоси
1	Зил ММЗ-45021	1988	10 AX 726	6 030 000	11	ЗиЛ-431412 ТСВ-6,7	1986	10 AX 879	6 723 000
2	ЗиЛ-431412	1991	10 AX 443	7 159 000	12	ЗиЛ-431412 ТСВ-6,7	1987	10 AX 947	6 796 000
3	ЗиЛ-431412	1987	10 AX 439	6 796 000	13	ЗиЛ-431412 ТСВ-6,7	1987	10 AX727	6 796 000
4	ЗиЛ-431412 ТСВ-6,7	1987	10 AX 950	6 796 000	14	ЗиЛ-431418 ТСВ-7	1991	10 AQ 774	7 159 000
5	ЗиЛ-431412 ТСВ-6,7	1987	10 AX 399	6 796 000	15	ЗиЛ-431412 ТСВ-6,7	1987	10 AX 401	6 796 000
6	ЗиЛ-130 ТСВ-6,7	1986	10 BA 533	5 265 000	16	ЗиЛ-431412 ТСВ-7	1988	10 AX 026	6 875 000
7	ЗиЛ-431412	1991	10 AX 286	7 159 000	17	ЗиЛ-431412 ТСВ-6,7	1987	10 AX 729	6 796 000
8	ЗиЛ-431412	1986	10 AC 691	6 723 000	18	ГАЗ 2411	1990	10 AV 871	1 453 000
9	ЗиЛ-431412 ТСВ-7	1988	10 AX 404	6 875 000	19	ГАЗ 31029	1995	10 AV 715	1 742 000
10	ЗиЛ-431412 ТСВ-6,7	1988	10 AX 436	6 875 000					

Аукцион савдоси 2012 йил 13 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризалар мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 9 март куни соат 18:00.

Юқоридаги мулклар 2012 йил 13 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 30 март ва 10, 24 апрел кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 30 мартдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 28 март куни соат 18:00 10 апрелдаги савдолар учун 6 апрел куни соат 18:00, 24 апрелдаги савдолар учун 20 апрел куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закалат келишуви, закалат пули тўланганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилади. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва муддатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «RMM» **YoAJ «Poytaxt filiali»**нинг «Ипотека банк» Шайхонтоҳур ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт:х/р: 20210000900571452140, МФО: 00425, Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«а»уй. Телефон: 233-20-96. www.rmm.uz

---

«Respublika Mulk Markazi» YoAJ «Poytaxt filiali»да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида такрорий ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Такрорий аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 сентябрдаги 272-20-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 9 октябрдаги 639-25-сонли қарорларига асосан, «TOSHSHAHARYUKTRANS» UYUSHMASI, AVTOJAMLANMA 2521 корхонасига тегишли бўлган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент 5-тор кўчаси, 34-уй манзилида сақланаётган қуйидаги жадвалда кўрсатилган юк ташиш автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

№	Автотранспорт воситасини русуми	и/ч йил	Давлат рақами	Бошланғич баҳоси	№	Автотранспорт воситасини русуми	и/ч йили	Давлат рақами	Бошланғич баҳоси
1	ЗиЛ-138А	1985	10 AS 205	7 186 000	22	КАМАЗ-5320	1982	10 AS 561	10 196 000
2	ЗиЛ-431610	1986	10 AS 219	7 192 000	23	КАМАЗ-5320	1990	10 AJ 627	11 934 000
3	ЗиЛ-431610	1990	10 AS269	7 215 000	24	КАМАЗ-5511	1984	10 AX 605	11 982 000
4	ЗиЛ-431610	1990	10 AS278	7 215 000	25	АСГ ММЗ-4502	1987	10 AF 117	6 665 000
5	ЗиЛ-431610	1990	10 AS279	7 215 000	26	АСГ ММЗ-4502	1988	10 AS 186	6 783 000
6	ЗиЛ-431610	1989	10 AS284	7 209 000	27	АСГ ММЗ-4502	1990	10 AS 310	6 532 000
7	ЗиЛ-431610	1989	10 AS288	7 209 000	28	АСГ ММЗ-4502	1983	10 AS 326	6 279 000
8	ЗиЛ-431610	1988	10 AS405	7 203 000	29	АСГ ММЗ-4502	1988	10 AS 395	6 783 000
9	ЗиЛ-138АФ	1984	10 AX413	7 530 000	30	АСГ ММЗ-4502	1989	01677 LBA	6 262 000
10	ЗиЛ-431610	1987	10 AX421	7 197 000	31	АСГ ММЗ-4502	1989	10 BA 759	6 262 000
11	ЗиЛ-431610	1985	10 BA535	7 186 000	32	УАЗ-3303	1987	10 AX 625	5 059 000
12	ЗиЛ-431610	1988	10 BA555	7 203 000	33	ГАЗ -2411	1990	10 AV 876	1 453 000
13	ЗиЛ-431610	1990	10 AX 589	7 215'000	34	ММЗ-4505	1989	10 AX 611	6 783 000
14	ЗиЛ-431610	1991	10 AX 591	7 222 000	35	АСГ ММЗ-4502	1987	10 AS 321	6 665 000
15	ЗиЛ-431610	1988	10 AX 626	7 203 000	36	МАЗ-5549	1990	10 AX 718	5 977 000
16	ЗиЛ-431610	1988	10 BA 656	7 203 000	37	ГАЗ-2401	1984	10 AQ 553	1 156 000
17	ЗиЛ-431610	1990	10 AX 722	7 215 000	38	ЗиЛ-431610	1986	10 AS 402	7 192 000
18	ЗиЛ-431610	1988	10 AA 813	7 203 000	39	ЗиЛ-431610	.1989	10 AS 282	7 209 000
19	КАМАЗ-5320	1986	01 318 CAA	12 656 000	40	ГАЗ-2401	1983	10 AR 232	1 131 000
20	КАМАЗ-5320	1990	10 AV 217	11 934 000	41	ЗиЛ-130АБЦ	1982	10 AS 313	5 022 000
21	КАМАЗ-5320	1990	10 AX 555	11 934 000	42	ГАЗ-53 КО-503Б	1990	10 BA 781	4 563 000
					43	МАЗ-5549	1988	10 AX 814	5 844 000

Аукцион савдоси 2012 йил 12 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризалар мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 9 март куни соат 18:00.

Юқоридаги мулклар 2012 йил 12 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 28 март ва 9, 23 апрел кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 28 мартдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 26 март куни соат 18:00, 9 апрелдаги савдолар учун 6 апрел куни соат 18:00, 23 апрелдаги савдолар учун 20 апрел куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закалат келишуви, закалат пули тўланганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилади. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва муддатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «RMM» **YoAJ «Poytaxt filiali»**нинг «Ипотека банк» Шайхонтоҳур ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000900571452140, МФО: 00425, Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«а»уй. Телефон: 233-20-96. www.rmm.uz

Мулкдорлар диққатига! Сиз учун имконият:
«Respublika mulk markazi» YoAJ
Сизнинг энг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.

Омон бўлинг, МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2012-yil 18-fevral № 22 (3059)

Журнални варақлаганда

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» илмий-маърифий журналининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган сони нашрдан чиқди. Таъкидлаш жоизки, Бош Қомусимиз мамлакатимиз тараққиётининг асоси бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Журналнинг янги сонидан ушбу жараёнларга бағишланган илмий-оммабоп мақолалар жой олган.

Олий қадриятлар инъикоси

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош Мустафоевнинг «Мустақил тараққиёт йўлимизнинг ишончли кафолати» сарлавҳали мақоласида Конституциямизда судларнинг мустақиллигини таъминлаш, суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва адолат тамойилларини қарор топтириш мукаммал акс этгани ҳақида сўз юритилган. Ўлим жазосининг бекор қилиниши ушбу тизимдаги ислоҳотларнинг муҳим босқичи бўлганлиги, бу халқаро миқёсда юксак эътироф этилгани, кўплаб жиноятларнинг таснифи ўзгартирилганлиги, яъни оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилганлиги таъкидланган. Шунингдек, муаллиф тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда умумюрисдикция судлари томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида алоҳида тўхталган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, юридик фанлар номзоди Абдуманноб Раҳимовнинг «Мустақилликнинг ҳуқуқий пойдевори» сарлавҳали мақоласида эса мустақилликка эришиш арафасида халқимиз бошидан ўтказган оғир қийинчиликлар, Конституциямизнинг қабул қилиниши билан боғлиқ воқеалар эсланган. Ўзбекистонга мустақиллик шунчаки ҳадя қилинмаганлиги, бу ўша кезларда Президентимиз томонидан кўрсатилган жасорат ва олиб борилган адолатли сиёсат натижаси экани эътироф этилган.

«Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1990 йилнинг март ойида, собиқ СССРнинг барча субъектлари орасида биринчи бўлиб Президентлик лавозимини жорий этилиши билан амалда Ўзбекистон мустақилликка эришиш йўлида биринчи қадамни қўйган эди. Бундай масъулиятли қарор ўша тарихий воқеаларнинг барча қатнашчиларидан, авваламбор, республикамиз Президентидан зўр мардлик талаб этганини тасаввур этиш қийин эмас. Чунки ўша даврда республикамиз мустабид СССР таркибида бўлиб, мустақиллик эълон қилинган кунгача эса ҳали роппа-роса бир ярим йил бор эди», дея таъкидланади мақолада.

Шунингдек, журналнинг янги сонида Бош Қомусимизнинг ҳаётимизда тутган ўрни тўғрисида Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факултети декани, юридик фанлар номзоди Равшан Икромовнинг «Ўзбекистонда оммавий (ижтимоий) ҳаракатлар томонидан инсон экологик ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари», Адлия вазири ўринбосари Анвар Усмоновнинг «Қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни мустаҳкамлаш» каби мақолалари жой олган.

Ўтган йили Президентимиз ташаббуси билан ташкил қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ фаолият бошлаганига 15 йил тўлди. Шу муносабат билан ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаеванинг «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ – 15 ёшда» рукни остида «Инсон манфаатлари — олий қадрият» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган.

Мақолада мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари бошчилигида мамлакатимизда инсон ва унинг манфаатларини кўзлаган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилаётгани эътироф этилган. Миллий марказ ва Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик янги босқичга кўтарилганлиги, натижада меҳнаткашлар ва уларнинг манфаатларини ҳимоялаш, бунда, айниқса, ёшлар ва аёллар масалаларига алоҳида эътибор қаратилган ҳолда қатор ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш борасида ютуқларга эришилаётгани таъкидланган.

Бундан ташқари, журналнинг ушбу сонида «Тарих саҳифаларида» рукни остида чоп этилган тадқиқотчи ва олимларнинг жаҳон ва халқимиз тарихи билан боғлиқ илмий мақолалари ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди.

«Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт» бўлими

Талаба-ёшларнинг севимли маскани

Фарғона давлат университетида талаба-ёшларнинг чуқур билим олиб, етук мутахассислар бўлиб етишиши учун барча шароит муҳайё. Буни университет қошидаги ахборот-ресурс маркази фаолияти мисолида кўриш мумкин.

Марказ ўқув залига замонавий компютерларнинг ўрнатилиши талаба ҳамда профессор-ўқитувчилар учун катта қулайлик яратди. Ҳозир бу ерда республикамиздаги барча олий ўқув юртларидан фанлар бўйича олинган маъруза матнларининг электрон вариантлари мавжуд. Компютерлар интернет тармоғига уланган ва электрон адабиётлар ресурси билан бойитилаётгани марказ хизматидан фойдаланаётган илмга чанқоқ ёшлар сафини тобора кенгайтирмоқда.

Суратда: талабалар Маҳбуба Ўрмонова ва Зари Абдураззоқова.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

Адабий мерос — абадий мерос

Баркамоллик ҳақида

Алишер Навоий инсонни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук ҳолда кўришни истаган. Баркамол шахс ҳақидаги орзулари унинг асарлари қатига фасоҳат билан жойланган. Жисмоний комиллик ақлий саломатликнинг гарови, деб билган Навоий куч синаш билан боғлиқ спорт турларига «зўра» атамасини қўллаган.

Навоий қаҳрамонларидан бири Фарҳод ёшлигида ҳарбий машқлар билан шуғулланган. Спортнинг жасорат кўрсатиш билан алоқадор турлари шоир асарларида «диловарлиғ» атамаси орқали ифода этилган. Фарҳод ҳам диловарлик санъатларини эгаллашга ҳаракат қилган:

Умум авроқи чун бир-бир ёпилди,
Диловарлиғ силоҳи майли қилди.

Навоий барқамоллик белгиларини Фарҳод тимсолида баён этаркан, кучлилик, ҳарбий қуролларни ишлатишдаги чаққонликни шундай ифодалайди:

Қора тун гар, нишон айлаб Сухони,
Фалакча навосига ул нишони.
Қиличи зарбаси олинда ҳар марз,
Шигоф андоқки сувдин ер аро дарз.
Қилиб гар ҳамма Абурз узра бир гурз.
Бўлиб гарду чиқиб гардунга Албурз.

Навоий Фарҳоднинг нафақат жисмонан баркамоллиги, балки маънавий комиллик фазилатини ҳам тасвирлайди. Фарҳод шу қадар жисмоний кучга эга бўлишига қарамай, ўз навбатида ғоят одобли ва камтар ҳам.

Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонини якунлар экан, бир бобда Ҳусайн Бойқаронинг ўғилларидан бири — Шоҳ Ғариб Мирзони ҳамма билимларни эгаллашга, адолатли, маънавий баркамол бўлишга чақиради. Дунёдаги билим ва ҳунарларни ўрганиш, саломатлик ҳақида ўйлашга даъват этади. Жумладан, бадан тарбияси муҳим аҳамиятга эгалигини таърифлаб шундай ёзади:

Ул уч дин илми-ю бу бир бадандур,
Булар муҳтожи яхши, гар ямондур.

Яъни саломатлиги ёмон киши бошқа ишлар у ёқда турсин, тоатибодатга ҳам ярамай қолиши мумкин, дейилади. Шоир табибларга беморни даволашда жисмоний тарбияни ҳам тавсия этишни уқтирган.

Навоий шахмат ўйинига ҳам эътибор қаратган. «Лисонут-тайр» достонида шахмат ўйини, унинг қонун-қоидалари ҳақида бир ҳикояни келтириб ўтади. Ҳикояда ўйин бошланиб, ҳарбий жангдаги сингари мудофаа усулларини қўллаган сипоҳлар ҳаракати тасвирлаб берилган. Шунингдек, Навоий ғазалларида рўй ва чавгон ўйини тилга олинади. Чавгон ўйини ҳозирги хоккейни эслатади. Чавгон ўйинида от миниб, хоккей шайбаси ўрнида копток ўйналади.

Алишер Навоий адабий мероси бир уммонки, бу уммондан керакли дуру ҳикматларни бемалол топиш мумкин.

Маликжон БОБОРАҲИМОВ, ФарДУ Адабиётшунослик кафедраси доценти.
Комрон САТТОРОВ, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши мутахассиси

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишлаб «Алломалар ижоди ёшлар нигоҳида» номли давра суҳбати ўтказилди.

Алломалар ижоди ёшлар нигоҳида

Тадбирда «Халқ ижодиёти» кафедраси профессори С.Йўлдошева талабаларга Бобур Мирзо ҳаёти ва ижоди ҳақида гапириб берди. Талабалар томонидан саҳна кўринишлари намойиш этилиб, шоир ғазалларидан намуналар ўқилди.

Институт Ахборот-ресурс марказида Навоий ва Бобур асарларининг кўргазмаси ташкил этилди.

* * *

Ўзбекистон Давлат санъат институтида ҳам «Назм ва наво» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда филология фанлари номзоди, доцент Муҳайё Абдураҳмонова Алишер Навоий ва Бобур Мирзо шеърлари моҳиятини шарҳлаб берди. Ўзбекистон халқ артистлари Замира Суюнова ва Матлуба Дадабоева шоирларимиз ғазаллари билан айтилувчи қўшиқлардан ижро этишди.

* * *

Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби қошидаги хореография коллежида ўтказилган тадбирда эса ўқувчилар томонидан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ғазал, рубоий ва туюқлари ўқилиб, «Бобур ва Ҳофиз Кўйкий» саҳна кўриниши намойиш этилди.

Озода БУРХОНОВА

* * *

Шайхонтоҳур туманидаги 41-умумий ўрта таълим мактабида Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунлари муносабати билан «Аждодлар руҳи мададкор» мавзусида адабий тадбир ўтказилди.

Кечада буюк шоирларнинг ғазал ва рубоийларидан намуналар ўқилди, саҳна асарларидан парчалар намойиш этилди. Мирзо Бобурнинг ғазалини маҳорат билан ўқиган 6-«б» синф ўқувчиси Юлдуз Комилжонова барчанинг олқишига сазовор бўлди. 8-«г» синф ўқувчилари эса Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган намунали буклет тайёрлаб, фахрий ёрлиқ билан мукофотландилар.

Бундан ташқари, 8-«д» синф ўқувчиси Азиза Турғунова «Ғазалхон ёшлигим» кўрик-танловининг туман босқичида иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллади.

Адабий кеча йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Зухра ОБИДОВА

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Маънавият дарсхонаси

Оила муҳити Ферузбекнинг қалбида бир олам орзулар ниш уришига сабаб бўлди.

— Ўғлимизда гўдаклигиданоқ ноёб хислатлар борлиги сезиларди. У ҳамма нарсага қизиқиб, кўп саволлар берар, раҳматли бувиси эринмасдан жавоб қайтararди, — дейди онаси Гулзор опа. — Бўш вақт топдими, отасининг ижодхонасига йўл олади. Турли хил кўргазмалар, буюк сиймоларнинг расмлари билан бирга бувижонисининг суратига қараб тўймайди. Кунларнинг бирида ўғлим бувисининг сурати билан ғойибона сўзлашаётгани устидан чиқдим.

— Бувижон, мени математика фани жуда қизиқтириб қўйди. Келгусида сизга ўхшаб ҳисобчи бўлсам дейман, — дерди Ферузбек. — Спортга ҳам қизиқаман. Футболчи ҳам бўлсам нима дейсиз?

Ферузбек мактабдаги энг фаол ўқувчилардан. Фақат аъло баҳога ўқийди. Элликдан зиёд фахрий ёрлиғу дипломлари бор. Камолот» ЁИҲ дипломи, «Энг яхши спортчи» эътирофи, «Энг яхши иншо» танлови ғолиби, «Энг яхши расм муаллифи»... У яна футбол бўйича вилоят терма жамоаси аъзоси ҳам.

Аслида, ҳамма болалар мактабга илк қадам қўйганда ўқишга иштиёқи баланд бўлади. Бироқ ота-онанинг эътиборсизлиги сабаб барчаси ҳам билимдон, зукко бўлиб камол топмайди.

Қолаверса, мактабдаги муҳит ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ферузбек Раимбоев таҳсил оладиган Урганчдаги 5-умумтаълим мактабидан кўплаб таниқли инсонлар етишиб чиққан.

— Биз ўқувчиларда ахлоқий софлик, маънавий бойлик, жисмоний баркамолликни ўғунлаштиришга асосий эътибор қаратамиз, — дейди мактаб директори Нодира Қурбонова. — Мактабимиз фахри бўлган Ферузбек Раимбоев мисолида мақсадимизга эришганлигимизни кўрамиз.

«Оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун, аввало, ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига қуриш айни муддао бўлур эди». Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида айтилган ушбу фикрда олам-олам маъно мужассам. Оилада ижодий муҳит ҳукмрон бўлса, фарзанд ўз олдига қўйган мақсадга эришиши шубҳасиз.

Ферузбек турли ривояту ҳикматларни ён дафтарига қайд этиб боришни одатга айлантирган. Шулардан бири «Шукр нима?» деб номланиб, катталарни ҳам ўйлашга ундайди.

— Фақат тилда шукр айтишнинг ўзи шукр эмас, — дейилади ҳикматда. — балки, шукр аъзоларда зоҳир бўлсагина ҳаққонийдир. Кўзнинг шукри яхшиликни кўрганда очилиб, ёмонликка юмулмоғидир. Қулоқнинг шукри яхшилик гапирилганда эшитиб, ёмонлик гапирилганда рад этмоғидир. Қориннинг шукри ҳалолни сингдириб, ҳаромдан ҳазар қилмоғидир. Қўлларнинг шукри фақат ҳақи бўлган нарсага узалмоғидир. Оёқларнинг шукри фақат яхшилик сари юрмоғидир.

— Буни менга бувижоним ўргатганди, — дейди Ферузбек. — Ушбу ҳикматларга, албатта, амал қиламан.

Зулфия ЯКУБОВА,
Хоразм вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ўқитувчиси

Меҳр-оқибатли, савобталаб юртдошларимиз диққатига

Кўп йиллардан буён «Ishonch» газетаси саҳифаларида берилаётган мақолаларни ўқиб бораман. Газетанинг ҳар бир сонида қизиқарли ва рангба-ранг материаллар чоп этилади. Айниқса, юртимизда давлатимиз томонидан ногиронлар, эҳтиёжманд оилаларга кўрсатилаётган ижтимоий кўмак, касаба уюшмаларининг хайрли ишлари кенг ёритилаяпти. Қолаверса, таҳририят аралашуви билан кўплаб фуқароларнинг муаммолари ижобий ечим топаётир.

Қалбимга умид улашинг

Мен ҳам ҳозирда мададга муҳтожлигим сабабли мактуб йўллаяпман. Олий маълумотли, оилали аёлман. Ҳаётимда рўй берган нохуш воқеалардан руҳий изтиробга тушиб, касалликка чалиндим. Вақтида даволанишга имкон тополмаганим боис соғлигим баттар ёмонлашди. Ҳатто қўлларим ишламай қолди. Тортилиб қолган оёқларимни операция қилдириб, оғриқлардан халос бўлгач, қўлларим ҳам ҳаракатлана бошлади. Ҳозирда ўтирган ҳолда мунчоқ, бисердан сумка, сувенирлар ясайман. Аммо юролмай бир жойда ўтириш азоби ёмон экан. Ким қачон келиб қарашаркан, деб яшашни бир тасаввур қилинг...

Врачларнинг айтишича, тузалиб юриб кетишим учун тиззамга «Эндопротез» аппарати операция йўли билан ўрнатилиши зарур. «Эндопротез» аппаратини «Endomedikal plus» МЧЖдан 3100 АҚШ долларига сотиб олиш, Республика Травматология ва ортопедия илмий текшириш институтида операция қилдириш учун 1 млн. 400 минг сўм тўлашим лозим экан. Кечиктирилса, суяк емирилишига олиб келаркан. Афсуски, «Эндопротез» аппаратини сотиб олишга имкониятим йўқ. Ўзим кўпқаватли уйнинг юқори қаватида яшайман. Ҳатто ойлаб кўчага чиқмайман. Мени ёзин-қишин диққинафасликда яшаш қийнайди. Ҳатто гулларга ҳам нур, тоза ҳаво зарур. Биринчи қаватда яшаганимда ҳам ҳеч бўлмаса аравачада ташқарига чиқардим.

Ҳозирда бирдан-бир мақсадим соғайиб юриб кетиш ва касаллик сабаб мен каби юролмай қолган, тўрт девор орасига қамалиб яшаётган инсонларга ҳунаримни ўргатиш, қўлимдан келганча ёрдам беришдир. Айниқса, туғма ногиронларга руҳий далда бўлиб, яшаш тарзига янгилик киритиш, қалбида қувонч уйғотиш ниятим бор.

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Хатимга алоҳида эътибор қаратиб, меҳр-оқибатли, савобталаб инсонлар кўмагида «Эндопротез» аппаратини сотиб олишимга, оёққа туришимга ёрдам беришингизни сўрайман. «Мустаҳкам оила йили»да оила аъзоларим билан руҳан тетикликда яшашимизга ҳисса қўшишингиздан умидворман. Ўзбекистонимизда моддий имконияти чеклангган беморларни чет элда даволаниб, ҳаётга қайтишига мадад бўлаётган саховатли юртдошларимиз борлигини эшитганман. Умид қиламанки, улар орасида менинг ҳам оёққа туришимга ёрдам берувчилар топилади.

Мендан кўмагини аямайдиган инсонлар бўлса, Халқ банкининг Ҳамза филиалидаги шахсий ҳисоб рақамим қуйидагича:

МФО 00827.
ИИН 200547254
Р/с 29801000500000827209
Л/с 16743
Ҳурмат билан

Гулнора САИДОВА,
Тошкент шаҳри Ҳамза тумани Оқдарё кўчаси 120/9-11-уйда яшовчи 1-гуруҳ ногирони
Тел: 283-05-98

O'KUF FTUU

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99894 226 28 84;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Abdullayev

Navbatchi:
A. Arslonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 01. 00
Topshirildi - 01.50

Buyurtma Г — 211

23314 nusxada bosildi

1 2 3 4